



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 25 март, № 57 (9228)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Тошкентнинг меъморий дурдоналари бунёд этилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев 24 март куни Янги Тошкентда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда барпо этилиши режалаштирилаётган янги объектлар лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб бу ерда барпо этилаётган йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадионининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу замонавий спорт мажмуасига ўтган йилнинг 11 ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан тамал тоши қўйилган эди.

Айни пайтда ўйингоҳ қурилиши жадал давом этмоқда. Жумладан, ерни текислаш ишлари тўлиқ якунланган. Пойдевор қуйиш ишлари тўқсон беш фоизга бажарилган. Қурилиш жойига металл-конструкция материаллари босқичма-босқич келтирилмоқда.

Қайд этиш керак, кейинги йиллар мамлакатимиз футбол соҳасида туб бурилиш даври бўлди. Жумладан, маҳаллий чемпионатлар тизими ислоҳ қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди, худудларда 75 та катта ва 302 та мини-стадион фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, 2017 йилда юртимизда ФИФА ва Осмё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонларнинг сони аттиги 3 та бўлган. Бугун уларнинг сони 10 тадан ошди.

Шунингдек, 1,5 мингта мактабнинг футбол стадионлари таъмирланиб, 1 миллиондан зиёд ўқувчи ва маҳалла ёшлари қамраб олинди. Ёшлар ўртасида маҳалла, туман, вилоят ва республика турнирлари аъъанавий ўтказиш йўлга қўйилди.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз Париждаги Олимпиадада илк бор иштирок этди. Тарихимизда биринчи мартаба миллий терма жамоамиз жорий йилда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Ўтган йилнинг 2 октябрь куни ФИФА Кенгаши йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилдаги жаҳон чемпионати Ўзбекистон ва Озарбай-

жонда ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Ушбу жаҳон чемпионати доирасидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилади. Жаҳон чемпионатларининг финал ва яримфинал ўйинлари сизими 50 мингдан кўп бўлган стадионда ўтказилиши ФИФА талабларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз футболни учун муҳим лойиҳа — Янги Тошкент стадиони шу мақсадда қурилмоқда. Қиймати 100 миллион долларлик ушбу ўйингоҳ қурилиши учун неча айнан Янги Тошкент худуди танланди? Сабаби Янги Тошкент келажақда мамлакатимизнинг янги имкониятлар ва илгор гоғлар марказига айланади.

Янги Тошкент стадиони ФИФАнинг барча талабларига мос равишда барпо этилмоқда. Мажмуа Осмёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади.

Мазкур иншоот нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун, балки бутун ўзбек футболни ва ёшлар спортининг келгуси ривожини учун хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарига қурилиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди.

55 минг томошабинга мўлжалланган Янги Тошкент стадиони 6 қаватли бўлади, унда нафақат спортчилар, балки ташриф буюрувчилар ва матбуот ходимлари учун ҳам кенг қулайликлар яратилади. Томошабинлар стадионга тез фурусатда кириб-чиқишлари учун ўндан ортқ эскалаторлар ўрнатилди. Худудда яна қўшимча 3 та машгулот майдони бўлади.

Стадион яқинида метро бекати барпо этилади. 5 500 ўринли автотураргоҳ қурилади.

Президентимиз бундай катта сизимили эпик стадион мамлакатимизда илк бор бунёд этилаётгани учун ҳар бир жихатга аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади. Стадион атрофини ободонлаштириш

ишларини ҳозирдан режалаштириб, босқичма-босқич амалга оширилиши зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳрида барпо этиладиган фаввора мажмуаси лойиҳаси билан ҳам танишди.

Мамлакатимизда аҳоли учун замонавий жамоат маконлари, кўнгулор ва маданий ҳордиқ масканларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби лойиҳалар шаҳарлар қиёфасини бойитиш, аҳоли учун қулай дам олиш муҳитини яратиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади.

Янги Тошкентда қарий 8 гектардан иборат майдонда мусиқали фаввора мажмуаси барпо этиш режалаштирилган.

Лойиҳага кўра, сув юзасининг умумий майдони 6,3 гектарни ташкил этадиган ҳавзада 1,5 гектар майдонда сув, мусиқа ва ёруғлик уйғунлигидаги шоуларни ўтказиш имконини берадиган фаввора барпо этилади. Мажмуа таркибидан сувни 232 метр баландиқкача ота оладиган супер фаввора, диаметри 100 метрли сузувчи платформа бўлади.

Фаввора радиуси 185 метр бўлган, 360 даражали сув экранини ҳосил қилиш ҳамда унинг юзасида турли тасвирларни проекция қилишга қодир бўлади.

Шунингдек, юқори қувватли лазер нурали, динамик сув композициялари ва турли визуал эффектлардан фойдаланиш режалаштирилган. Насос, электр, лазерли проекция ва бошқа техник тизимлар ер остидаги икки қаватли иншоотда жойлаштирилди.

Сув ҳавзаси атрофиди яшил худудлар ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу мажмуа Янги Тошкентнинг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиши, шаҳарнинг меъморий қиёфасини бойитиши ва турли маданий тадбирлар, байрам ҳамда фестиваллар

учун яна бир замонавий маскан бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг мазмун-моҳияти, техник ечимлари ва худудни комплекс ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бу ерга ташриф буюрувчилар учун замонавий савдо, оқватланиш ва сервис хизматларини сифатли ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, айни худудда жорий йилги Мустақиллик байрами муносабати билан шоу тадбирларини юқори савияда ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёевга Янги Тошкент шаҳри худудиди амалга оширилиши режалаштирилган “Буюк Ипак йўли” лойиҳаси тақдимот қилинди.

Маълумки, Янги Тошкент шаҳри барпо этиш доирасида биринчи босқичда 6 минг гектар худудда қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу босқич якунида 600 минг аҳоли учун замонавий инфратузилма яратилади. Лойиҳа тўлиқ рўйга чиқарилганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар аҳоли яшайдиган замонавий мегаполисга айланади.

Майдони 32 гектар бўлган “Буюк Ипак йўли” мажмуаси Янги Тошкентнинг муҳим жамоат ва маданий маконларидан бири бўлиши режалаштирилган. Бу ерда тураржойлар, тижорат бинолари, меҳмонхоналар, маданият ва таълим марказлари, шунингдек, бошқа замонавий инфратузилма объектлари қурилади.

Концепцияга кўра, мажмуа худудиди Буюк Ипак йўли билан боғлиқ турли цивилизацияларга бағишланган мавзули маҳаллалар ташкил этилади. Ҳар бир худуд Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатларни ифодалайди.

Тақдимотда Ўзбекистон маҳалласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар ерда ҳар бир бино, ҳар бир кўча ва майдон орқали халқимизнинг тарихи, маданияти ва қадри-

ятларини акс эттириш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизнинг бой тарихий меросини янада кенг намоён этиш, аждодларимизнинг илм-фан, маданият ва меъморчилик соҳаларидаги ютуқларини ёш авлодга етказиш, шунингдек, халқаро туризм салоҳиятини оширишга қаратилган бир қатор музейларни реновация қилиш режалари ҳам кўриб чиқилди.

Жумладан, Имом Мотуридидий зиёратгоҳида музей ташкил этиш, унда “Янги Ўзбекистонда Имом Мотуридидий меросига эътибор”, “Имом Мотуридидий ҳаёти” каби мавзули заллар ва мотуридидийлик таълимгоҳига бағишланган бўлимлар жойлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, “Баҳоуддин Нақшбанд” илмий-инновацион музейи фаолиятини мазмунан бойитиш, айниқса, “Етти пир” залида улуг алломалар ҳаёти ва меросини замонавий шаклда кенг ёритиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Бундан ташқари, Темурийлар тарихи Давлат музейини замонавий музейшунослик ва дизайн ечимлари асосида реновация қилиш режаси ҳақида ҳам ахборот берилди. Унда экспозиция залларини қайта шакллантириш ва ташриф буюрувчиларга юқори даражадаги визуал ва маърифий тажрибани тақлиф этиш кўзда тутилган. Ҳар бир зал алоҳида тарихий давр ва мавзуга бағишланади.

Тақдимот қилинган лойиҳаларнинг умумий мақсади миллий тарихимизни илмий асосда чуқур ёритиш, замонавий маданий инфратузилмани шакллантириш ва мамлакатимизга келувчи меҳмонлар учун жозибадор туризм маконларини яратишдан иборат.

Лойиҳалар давлатимиз раҳбари томонидан маъқулланди, уларни амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулхусн РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ў.А. мухбирлари.

Икки томонлама кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 март куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 10 фоймий-инновацион музейи фаолиятини мазмунан бойитиш, айниқса, “Етти пир” залида улуг алломалар ҳаёти ва меросини замонавий шаклда кенг ёритиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Саноат, энергетика, транспорт ва иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзбекистонда биринчи атом электр станциясини қуриш лойиҳасини илгари

суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг самарали фаолиятига юксак баҳо берилди.

Томонлар кооперациянинг янги шакл ва лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдонга айланган “ИННОПРОМ Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасининг навбатдагисини жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказишга фаол ташаббуслар кўраётгани таъкидланди.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, шу жумладан, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Украинадаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тадбирлар режаси ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

Фикр

Ўзбекистоннинг мустақкам ҳуқуқий таянчи

Конституциявий судлар — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли қаролати, демократик меъёрларнинг ҳуқуқий қалқонидир. Улар давлат ҳокимияти тизимиди олий конституциявий назорат институти бўлиб, мамлакатда қабул қилинаётган барча қонунлар, парламент қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ижро ҳокимияти ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлайдиган стратегик механизмдир. Конституциявий суд фаолияти орқали давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанат таъминланади, қонун устуворлиги амалда қарор топади ва жамиятда адолат таъминли мустақамланади. Зеро, Конституция устувор бўлган жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқлари ҳимояда эканлиги ишонди, давлат эса ўз сиёсий қарорларини қонунийлик ва масъулият мезони асосида қабул қилади.

Ҳар бир давлат ўз тарихий тажрибаси, сиёсий тизими ва ҳуқуқий аъаналарига кўра Конституциявий суднинг ваколат доирасини белгилайди. Шу бос унинг тарихи, судьялар тайинла-

ниш ёки сайланиш тартиби, ваколат муддати, ички тузилиши ва функциялари турли мамлакатларда бир-биридан фарқланади. Айрим давлатларда суд фақат норматив назорат билан чекланса, бошқаларида у фуқароларнинг тўғридан-тўғри муросаларини кўради, сиёсий партиялар фаолиятини назоратда сақлайди ёки юқори мансабдор шахсларни суд қилиш ваколатига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

1995 йилда тузилган бўлиб, бу мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий меъморчилиги бошланган давр, қонун устуворлиги таъминли амалий ҳаётга таъбиқ этиш бўйича илк стратегик қадам эди.

Конституциявий суд фаолияти кейинги йилларда бир неча бор тақомиллаштирилди: янги қонунлар қабул қилинди, Конституцияга ўзгартиришлар киритилди, суд тизими институционал жиҳатдан мустақамланди.

Бу жараёнлар суднинг нуфузини оширди, унинг ваколатларини аниқ ва самарали тарзда белгилаб берди. Суд нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий барқарорликнинг ҳам муҳим омилга айланди.

➔ 2

Онлайн мулоқот

Табиат муҳофазаси — Экспертлар кенгашининг кун тартибиди



Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси хузуриди Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича экспертлар кенгаши йиғилишида иштирок этди.

Онлайн тадбирда кенгаш фаолиятига доир ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Каспий денгизи экологик муаммолари, Тожикистонда сув ресурслари ва ичимлик суви таъминоти, Беларусда ер ости сувларидан фойдаланиш каби мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Унинг қуриши оқибатида юзага келган муаммоларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсири, ушбу оқибатларни юмшатиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Иштирокчилар 2027 йилда Бишкек шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган “Бишкек+25” глобал тоғ саммити ва “Тоғли худудларнинг барқарор ривожланиши” халқаро форумига тайёргарлик кўриш масалаларини ҳам муҳокама қилди.

«Халқ сўзи».

Азалий ва умрбоқий ришталар ифодаси



Наврўз байрами куни давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Миллий маданий марказлар павильонига ташриф буюриб, у ердаги ҳар бир маскан фаолияти билан яқин-

дан танишди ва иштирокчилар билан дилдан мулоқот қилди. Бу юртимиздаги турли миллатлар учун байрам шуқуқини янада оширди. Айни пайтда мамлакатимизда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик

муҳитининг ёркин ифодасига айланди. Хамюртларимизнинг дил сўзлари, фикрлари ҳам айнан шу ҳақда.

➔ 4-саҳифага қаранг.

Ҳарбийларимиз ақшдаги нуфузли мусобақада рекорд кўрсаткич билан ғалаба қозонди

Яқинда АҚШнинг Миссисипи штатида жойлашган “Camp Shelby” ҳарбий-ўқув базасида бўлиб ўтган “Энг илгор жангчи — 2026” мусобақасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари — кичик сержант Илҳом Саломов ва III даражали сержант Турдумурод Авлаев

Хушхабар муваффақиятли қатнашди.

Мудофаа вазирлигидан хабар берилишича, мазкур мусобақа халқаро ҳарбий алоқаларни мустақамлаш ва махсус бўлинмаларда хизмат қилиш нуфузини ошириш каби мақсадларда ташкил этилган бўлиб, унда ҳарбий хизматчиларимиз АҚШ Миллий гвардиясининг махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчилари билан куч синашишди.

➔ 3

Депутатлар — худудларда

Мулоқот ва ўрганишлар натижадорликни оширмоқда

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан самимий сўхбатлашмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, Қонунчилик палатаси фаолияти, қонун ижодкорлиги йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам сайловчилар хабардор этилиб, қатор қонун лойиҳалари юзасидан уларнинг тақлифлари ва фикрлари ўрганилмоқда.

Амалий чоралар белгиланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳилола Юсупова Наманган вилоятида бўлиб, қатор йўналишларда амалий ўрганишлар олиб борди. Дастлаб Наманган шаҳридаги таъ-

лим-тарбия муассасалари фаолияти билан танишиб, ўқув жараёнларини ташкил этиш, педагог кадрлар салоҳияти, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда таълим сифатини

оширишга қаратилган ислохотларнинг амалдаги натижаларини ўрганди. Шу билан бирга, таълим муассасаларида ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, уларнинг билим ва амалий кўникмаларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Ташаббусли бюджет” доирасида ғолиб бўлмаган, аммо аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланган лойиҳалар тақли қилинди. Мазкур лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти, хусусан, аҳолининг кундалик ҳаётига ва худудни ривожлантиришга бевоқиф таъсир этиш ҳолати ўрганилди. Бу бўйича дастлабки маълумотлар шакллантирилди.

➔ 2

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ АҚШДАГИ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА РЕКОРД КЎРСАТКИЧ БИЛАН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Мусобақа давомида ҳарбий хизматчиларимиз яқка таркибда жисмоний тайёргарлик синовлари (8 та машқни ўз ичига олган Фитнес тест), жисмоний ва руҳий зўриқишларни енчишга қаратилган мажмуавий тўсиқлар йўналишидан ўтиш, тунда 15 километр масофага ориентирлаш, 20 килограмм юк билан 20 километр масофага марш югуриш, жанговар ва умий тайёргарлик бўйича тест синовлари, иншо ёзиш (ҳарбий ҳамкорлик мавзусида 500 тадан кам бўлмаган сўз), артиллерия оловини бошқариш, НАТО намунасидаги юқотар куролларни нўтўлиқ қисмларга ёйиш, йиғиш ва жанговар ҳолатга келтириш, улардан турли усул ҳамда шариотларда ўқ отиш, тиббий тайёргарлик, номаълум ҳудудга вертолёт авиациясини қақариш ва унинг ёрдамида объектга етиб бориб арқон ёрдамида тушиш ҳамда кутилмаган (сюрприз) машқлар каби 13 та шартни муваффақиятли бажарди.

III даражали сержант Турдимурод Авлаев жисмоний ва руҳий зўриқишларни ўзида жамлаган мажмуавий тўсиқлар йўналиши 10 дақиқаю 34 сонияда босиб ўтган бўлса, кичик сержант Илхом Саломов тунда 15 километр масофага ориентирлаш шартини 59 дақиқада бажаришга муваффақ бўлди.

Қувонарли жиҳати, мазкур шартларнинг барчасида ҳарбий хизматчиларимиз мусобақа рекордини янгилади.

Яқунда ҳарбий хизматчиларимиз мусобақанинг махсус соврини билан тақдирланди.

Ғолиблар пойтахтимиздаги Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди, ҳарбий хизматчиларимизнинг яқка ва жамоавий бахсларда кўрсатган натижалари мард ва жасур ўзбек ўғлонлари нималарга қодир эканини амалда кўрсатгани ҳамда давлатимиз, халқимиз билдирган юксак ишончини аъло даражада оқлагани эътироф этилди.

Маълумот учун, мазкур мусобақада ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар 2019 йилдан бунён муваффақиятли қўнаш билан, ҳар бирда кўндал устунлик ва янгиданги рекорд натижалар билан ғолибликни қўлга киритиб келмоқда.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН МУАММОЛАРНИ САМАРАЛИ ЕНГИБ ЎТИШ УЧУН СЦЕНАРИЙЛАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАЯПТИ

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада бўлаётган янгиликлар одамлар турмушидаги ўзгаришлар, уларнинг юз-кўзидagi мамнунлик, бугунги яшаётган кунидан розилик ифодаси ўлароқ ҳаётимизда ўз аксини топаётди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак марраларга инсон қадрини улуглашга йўналтирилган ва Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган тизимли ислохотлар натижасида эришилди. Иқтисодиёт янгида шаклланди, бозор муносабатлари, ижтимоий ҳимоя кенгайтирилди, қонун устуворлиги мустаҳкамланди. Энг муҳими, юртимизда ислохотларни аниқ амалий натижага айлантириш тажрибаси пайдо бўлди.



Таҳлил

Бунинг тасдиғини тобора янги-ча қиёфага кириб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, богча, шиоҳоналар, обод кўча ҳамда маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида сўнгги йилда бўлган ўзгаришларни халқаро экспертлар ҳам эътироф этишяпти.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан тақдим қилинган прогнозга кўра, жорий йилнинг биринчи чорағидa Ўзбекистон янги ички маҳсулоти (ЙИМ) ўсиши йиллик ифодада тахминан 7 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Кўшимча равишда прогноз машинали ўқитиш усуллари орқали ҳам ҳисобланди. Бунда "Google" қидирув тизимидаги 20 та тоифа бўйича 250 та ҳафталик индикатор таҳлил қилинди. Натижаларга кўра, ушбу даврда ЯИМ ўсиши 7,2 фоиз атрофида бўлиши кутуляпти.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсишга ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши, молиявий ва инвестициявий фаолликнинг ошиши, саноат ҳамда хизматлар соҳасининг ривожланиши, шунингдек, инвестиция жараёнлари самарадорлигининг ортиши ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг иқтисодий эркинлик даражаси жаҳон ва минтақавий ўртача кўрсаткичлардан юқори бўлиб, Ўзбекистон биринчи марта "ўртача эркин" давлатлар қаторига кирди. Илгари эса мамлакат, асосан, эркин бўлмаган давлатлар қаторида ҳисобланарди.

Бозор иқтисодиёти ривожига сезиларли қадамлар

Ўзбекистон рақобатбардор бозор иқтисодиётини ривожлантиришда сезиларли қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат банклар ва давлат корхоналарига аралашувни камайтирмоқда ва бизнесни бошлаш жараёнини енгиллаштирди. Меҳнат бозори ривожланиб бораётганига қарамай, норасмий секторда бандлик хали ҳам сезиларли даражада сақланяпти. Инфляция босими қарамасдан, пул-кредит сиё-

сати барқарорликни сақламоқда ва Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлининг сўнгги босқичида турибди.

Этиборлиси, Иқтисодий эркинлик индекси мамлакатдаги ислохотларни баҳолаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бизнес муҳитини яхшилаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай кўрсаткич давлатларнинг қарама-қаршилиги, санкциялар уруши, зиддиятлар давом этаётган ҳамда шу туфайли глобал иқтисодий вазият оғир бўлиб турган ҳозирги шариотда юксак натижа. Ўзбекистон глобал "шок" вазиятларни самарали енгиб ўтиш учун сценарийларни тўғри танлаяпти, деб ҳисоблайди халқаро экспертлар. Тан олиш керак, 2017 йилдан буён ёки охириги 9 йилда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 5 фоиздан паст бўлмапти. Бу — камдан-кам давлатларда кузатиладиган кўрсаткич.

Халқаро валюта жамғармаси таҳлиliga кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти юқори даражада ўсмоқда. Хусусан, сектор кенгайган, истеъмол жадал. 2020 йилдан бери қашшоқлик 17 фоиздан икки баробар камроққа тушган. Инфляция эса 2022 йилдаги 12,3 фоиздан 8 фоизга пасайган. Бунга, қисман, жаҳон бозоридa ёниги ҳамда озиқ-овқат нархининг тушгани туртки бергани баён қилинган.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан тадбиркорлар ўртасида ўтказилган наватдаги сўров натижалари мамлакатда бизнес муҳити барқарор равишда яхшиланиб бораётганини кўрсатмоқда. Жорий йил февраль ойи яқунларига кўра, жамлама бизнес муҳити индекси 65 бандни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 11 бандга ўсган. Бу эса тадбиркорларнинг келгуси фаолиятга оид кутилмалари ва жорий ҳолатга берган баҳолари яхшиланиши билан изоҳланади.

Сўров натижаларига кўра, жорий бизнес ҳолатини ижобий баҳолаган тадбиркорлар сони 44 фоизга етган. Иш ўринлари яратилган корхоналар улуши ортиб, ходимлар сонини оширган субъектлар ҳиссаси эса 19 фоизни ташкил қилган. Сўнгги ойлarda маҳсулот ва хизматларга бўлган

талаб ошганини қайд этганлар улуши ҳам сезиларли равишда кўпайган. Тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш қишлоқ хўжалиги соҳасида кузатилиб, ушбу йўналишда бизнес муҳити индекси 73 бандга етган.

Хизматлар, қурилиш ва саноат тармоқларида ҳам ижобий динамика сақланиб, тадбиркорлар томонидан талабнинг ортиши ва бандликнинг кўпайиши қайд этилмоқда. Хусусан, қурилиш соҳасида бандлик ва талабнинг ўсиши барқарор сақланаётган бўлса, хизматлар бўйича келгуси ойлarda янада юқори фаоллик кутуляпти. Саноат тармоғида эса ўсиш нисбатан мўътадил кечаётган бўлса-да, келгуси давр учун ижобий кутилмалар юқори даражада сақланмоқда. Сўров иштирокчиларининг 61 фо-

мумкин. Ва буни кенг маънода тушуноқ лозим — ҳамкорлик, савдо, мулоқот учун тўсиқлар бартараф этилмоқда ва бу ўз самарасини намойиш қилаётди.

Ўзбекистон орқали ўтадиган йўналишларнинг жойбадорлигини оширишга йўналтирилган стратегия муҳим аҳамиятга эга, чунки транзит салоҳияти энг даромадли товар ҳисобланади. Бу сиёсатнинг мақсоди фақатгина тор маънодаги иқтисодий самара эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, бир пайтлар мамлакатларимиз ҳудудидан ўтган ва бутун сайёрамизнинг асосий транспорт артерияси бўлган Буюк Ипак йўлининг янги шариотда қайта тикланиши тинчлик ва фаровонликни таъминлашни аналтади.

Этибор беринг, бундан тўққиз йил олдин иқтисодиётимиз ҳажмини 100 млрд. долларга етказиш биз учун жуда катта марра бўлиб қўринарди. Ўтган йили биринчи марта янги ички маҳсулотимиз 145 млрд. доллардан ошди. Бундай юксак натижалар Ўзбекистоннинг қандай улкан ишларга қодир эканини яққол намойиш этмоқда. Глобал савдо тизимида "ўйин қоидалари" ўзгараётган бир пайтда мамлакатимиз ўтган йили экспортни 23 фоизга ошириб, 33,4 млрд. долларга етказди.

Энг муҳими, ислохотлар учун мустаҳкам молиявий база бўладиган олтин-валюта захиралари илк бор 60 млрд. доллардан ошди. Ўтган йили иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 млрд. долларга етди. Жами инвестицияларнинг янги ички маҳсулотга улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади.

Баён қилинган маълумотлар ва фикрлар кўпчиликка оддий бир рақам бўлиб тушулиши мумкин. Лекин иқтисодчилар, инвестор ҳамда банкчилар, мутахассислар гап нақадар катта натижалар ҳақида бораётганини жуда яқши тушунади. Биргина ана шу ўзгариш туфайли четдан жалб этиладиган ресурсларнинг фоиз ставкаси 1-1,5 пунктка пасайиб, ташқи қарз харажати йилига 300 млн. долларга камаяди.

Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг "ТОП — 10" мамлакат қаторидан жой олди. Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилма янада яхшилаш бўйича ҳам 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлди.

Сўнгги йилларда юртимизда 60 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 млрд. доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига йўналтирилди. Буларнинг ҳисобига юз минглаб янги иш ўрни яратилгани янада эътиборга молик. Демак, Ўзбекистонда хорижий инвесторларни қизиқтирадиган жиҳатлар кўп, уларни қаноатлантирадиган ислохотлар эса изчиллик касб этаверади.

Маъшуф Сайдов,
Шахрисабз давлат педагогика институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг "ТОП — 10" мамлакат қаторидан жой олди. Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилма янада яхшилаш бўйича ҳам 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлди.

изи тадбиркорлик фаолиятида ҳеч қандай жиддий тўсиқларга дуч келмаётганини билдиргани ҳам бизнес роритиш шариотлари яхшиланаётганидан далолат беради.

Кредит олиш, электр таъминоти ва логистика билан боғлиқ муаммолар қамалган. Айрим тадбиркорлар томонидан ер ажратиш, қонун ҳужжатлари нархи ва солиқ-молия доир масалалар тилга олинган. Ушбу натижалар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорлик фаоллиги ва инвестиция муҳитини изчил рағбатлантираётганини аналтади.

Барчаси — ҳамкорлик, савдо ва мулоқот учун

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан минтақани денгиз портлари билан боғловчи Трансафрон темир йўли йўлга масаласи кўндаланг қўйилди. Бу Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодий алоқаларида иштирок этиш салоҳиятини оширадиган стратегик лойиҳаларни татбиқ қилишда мисли қўрилмаган имкониятларни очиб беради.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши лойиҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш

Технологик ва инновацион ўсиш модели

Бугун иқтисодиётдаги энг устувор йўналишлардан бири — бу иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдан иборат. Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шариотда фақат юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлатларгина дунё бозоридa ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шу боис иқтисодиётнинг барча соҳасида юқори самарадорликка эришиш ислохотларнинг бош мезонига айланиши шарт. Чунки қарерда янги технология ва юқори малакали касб эгалари бўлса, уша тармоқда ўсиш, ривожланиш бўлади.

2030 йилга қадар ЯИМ ҳажмини 240 млрд. доллардан ошириш учун энг тўғри йўл барча соҳани технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдир. Бу келгуси йилларда Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт стратегиясининг асосий йўналиши бўлади. Жорий йилнинг ўзида 14 млрд. долларлик 228 та янги ийрик қувват ишга туширилади. Масалан, Навоийдаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича 320 млн. долларлик лойиҳа (3-навбати) ишга туширилиб, қўшимча 2 млн. тонна маъдан қайта ишланади. Яна бир йилрик лойиҳа — Олмалик қўшма маъдан қўйиши 2 млрд. 700 млн. доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуаси барпо этилади ва ўтган ҳафта Президентимиз уни ишга тушириб берди. Мазкур лойиҳа минглаб иш ўринларини яратиш билан бирга, хомаёни чўқур қайта ишлаш учун кучли инфратузилма яратди, минглаб оилаларга даромад, худудларга тараққиёт, мамлакатга қудрат олиб келди.

Яна бир жиҳат, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг янги йўналишлари пайдо бўлмоқда ва улар даромад топадиган муҳим соҳага айланипти. Шулардан бири — ахборот технологиялари, компьютер маҳсулотлари ҳамда хизматларни экспорт қилиш билан боғлиқ.

Кейинги йилларда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда саёй-харақатлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон ҳам бир йил ичида IT хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспортини икки баробар оширди. Келажакда бу кўрсаткичи 5 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Хорижий сармоядорлар ёрдамида мамлакатимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш ва сунъий интеллект асосида технологияларни жорий этишда улкан муваффақиятга эришиш мумкин. Шундай бўлмоқда ҳам.

СЎЗБЎЯМАЧИЛИК

ёҳуд баъзи ташкилотларнинг халқ мурожаатларига панжа орасидан қараётган хусусида

Ўтган йили Навоий вилояти аҳолисидан Президентнинг Халқ қабулхоналарига 40 426 та мурожаат келиб тушган. Рақамларга қараганда, 2024 йилдаги нисбатан мурожаатлар қарийб 30 фоизга камайган. Илк қарашда бу ижобийдек туюлади. Аммо савол туғилади: муаммолар камайди ёки одамлар мурожаат қилишдан умид уздимиз?

Аччиқ, аммо очик гаплар

Бу рақам эса "камайиш" ортидаги ҳақиқий манзарани очиб беради: 13 930 та мурожаатга идоралар фақат тушунтириш бериш билан чекланган. Улар қоғозда буни "асосланган жавоб" деб расмийлаштирган, аммо амалда — бу масъулиятдан қочиш ва муаммони қоғозда "йўқ қилиш" усулидир. Масалан, Кармана туманидаги "Кўҳна Қўрғон" МФИда яшовчи фуқаро Маржона Қурбонова 2025 йил 3 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, ижтимоий шариоти оғирлиги, 3 нафар фарзанди борлиги, фарзандларига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат этади. Бунга жавобан Кармана тумани адлия бўлими муаммони хал қилиш ўрнига "тушунтириш" билан чекланган. Натижада қоғозда "иш бажарилди", аммо амалда бир она дарди билан яқка қолдирилган.

Нурота туманидаги "Янги ҳаёт" МФИда яшовчи фуқаро Х. Рўзибоев ҳам

2025 йил 26 ноябрда "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, уйдаги сукултирилган газ баллонини 2 ой аввал туман газ идораси ходимлари тўлдирди унун олиб кетгани, аммо шу кунгача тўлдириб бермаганидан норози бўлиб мурожаат этади. Бунга жавобан Нурота тумани газ таъминоти бўлимидагилар фуқаро Х. Рўзибоевнинг номидан сохта ташаккурнома хати ёзиб, газ баллон ёнида бошқа бир фуқаро, яъни Амир Темур номидаги МФИда яшовчи 1979 йилда туғилган Алишер Бозоровнинг суратини қўйиб, муаммо ижобий хал қилинди, деб кўзбўямачилик билан мурожаатини "ёпишди".

— Мазкур ҳолат юзасидан "Худудга Навоий" газ таъминоти филиали директори М. Нормаматов номига айбдорларни интизомий жавобгарликка тортиш тизимига тақдимнома киритди, — дейди вилоят Халқ қабулхонаси бош мутахассиси Лазиз Абдуллаев. — Улар эса "Нуротатумангаз" газ таъминоти филиалининг сукултирилган газ

бўйича хизмат бошлиги А. Сайфидинов ўтган йили ўз аризага биноан ишдан бўшатилганини маълум қилди.

Айни чоғда, тахриратимизни ўнлаб нуроталикларнинг сукултирилган газ баллонларини ололмаи сарсон бўлиб юргани, туманда бир неча юз донна сукултирилган газ баллонни талон-торож этилгани ҳақида тасдиқланмаган маълумотларга эга. Албатта, мазкур ҳолатга мутасадди идоралар ўз хулосасини билдиришда, биз эса бу каби муаммога дуч келган нуроталикларни тахриратимизга мурожаат қилишини сўраймиз.

Фуқаролар мурожаатларининг рад этилишини таҳлил қиларканмиз, иш билан таъминлаш масаласида 31, хунарманчилик (асбоб-ускуналар) учун кредитга тавсиянома олиш юзасидан 42, болалар нафақаси бўйича 32, муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам сўралган 26, даволаниш ва жарроҳлик амалиёти учун моддий кўмак масаласида эса аризаларнинг 18 фоизи ижобий ечим топмаганига дуч келдик.

Фуқаро Г. Бузрукова 2025 йил 12 сентябрь кунини жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқарилган. Фуқаролик ҳаётига мослашши даврида яшаш учун шариоти оғир аҳолида бўлган сабабли маҳаллага бир неча маротаба қилган мурожаатига ижобий жавоб ололмади. Хуллас, маҳалла томонидан унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаганидан норози бўлиб, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га яшаш шариотини

ўрганиб, моддий кўмак берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат этади.

— Вазият жойига чиқиб ўрганилди, — дейди Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили Шуҳрат Жўраев. — Мурожаатчига озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун ўрнатилган тартибда "ваучер" шакллантириб берилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 654-сонли қарори билан тасдиқланган

ган, эрта-индин ховли тўйи қилиб кўчиб кирамиш, деган иморатимиз ёниб кетди, — дейди Дилфуза Азимова. — Енги сабаблари ўрганилди. Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза-си марказидан иморатга ўт қўйилгани ҳақида хулоса берилди. Бироқ жиноят иши кўзгатилиши рад этиб келинди. Ниҳоят, вилоят Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, уларнинг тушунтириш

“Ўрганишлардан аён бўладики, баъзан мурожаатчини тинглашнинг ўзи “натижа” сифатида кўрсатилмоқда. Ваҳолаки, одам эшитилиш учун эмас, ечим топиш учун мурожаат қилади. Яна бир жиддий масала — ўтган йили вилоятда аҳоли билан ўтказилмиш режалаштирилган сайёр қабулларининг 228 таси ўтказилмасдан қолдирилган...”

Низомга асосан 2025 йил декабрдан 6 ой давомида моддий ёрдам тўлаб берилиши таъминланди.

Албатта, мурожаатлар борасида ижобий мисоллар ҳам бор. Масалан, Навоий шаҳридаги Хумо маҳалласида истикомат қилувчи Дилфуза Азимова айнан Халқ қабулхонаси ходимларининг ҳуқуқий тушунтириш ва ёрдамлари туфайли ўзининг уч йиллик сарсон-саргардонлиқларига ечим топди.

— 2021 йилда бир кун ҳам яшама-

лари билан барча ҳужжатларни тўлаб, Олий Мажлис Сенати Раиси қабулига кирдим. Мурожаатим қаноатлантирилди, адолат қарор топди.

Ўрганишлардан аён бўладики, баъзан мурожаатчини тинглашнинг ўзи "натижа" сифатида кўрсатилмоқда. Ваҳолаки, одам эшитилиш учун эмас, ечим топиш учун мурожаат қилади. Яна бир жиддий масала — ўтган йили вилоятда аҳоли билан ўтказилмиш режалаштирилган сайёр қабулларнинг

228 таси ўтказилмасдан қолдирилган. Уларнинг ярмидан кўпи эса Кармана тумани ҳиссасига тўғри келади.

— Мурожаатларни ўрганишда камчиликларга йўл қўйган ташкилот ходимларига нисбатан 2025 йилда 128 та тақдимнома, 86 та таклиф киритилди, — дея давом этади Л. Абдуллаев. — Шундан 135 нафар ходим оғоҳлантирилган, 26 нафарига нисбатан ҳафсан интизомий жазо чораси қўлланган. Икки нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, икки ходим ўз лавозимидан озод этилган.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, фуқаро мурожаатига муносабат жамиятда маънавий муҳит барқарорлигини белгилловчи омил. Шу боис мамлакатимиз раҳбари жорий йилнинг 13 март кунини аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чўқур таҳлил қилиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда "Ҳар бир инсон ва қондон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришим керак" деган шиор барча раҳбарлар фаолиятида бош қоида бўлиши шартлиги госянини илгари сурди. Ҳокимликлар, вазирилик ва идораларга фақат қўтарилган масалани хал этиш билан чекланиб қолмасдан, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чўқур ўрганиш, мурожаатларга олиб келаётган омилларни аниқлаб, уларни камайитириш билан тизимли равишда шуғулланиш бўйича топшириқлар берилди. Табиийки, бундай ёндашув нанки муаммони бартараф қилиш, балки унинг ечимида ҳам ҳар қандай сўзбўямачиликнинг олдини олади. Бу эса одамларнинг сайёр қабул ва очик мулоқотларга ишончини оширади.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Шу йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда янги иссиқхона ташкил этишни чеклаш, шунингдек, қўчирилайётган хўжаликларга инфратузилма, кредит ва логистика бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Дил сўзи

АЗАЛИЙ ВА УМРБОҚИЙ РИШТАЛАР ИФОДАСИ

Раҳматулла ЖАББОРОВ, Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси:



— Жонажон юрти- мизда турли миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, бир ният ҳамда мақсад остида тинч-тотув яшаб келмоқда. Қайд этиш жоизки, ушбу улуг қадрият, ўхшашлиқ йўқ қон-қариндошлик аёнанаши кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ, балки кўп асрлик тарихий ва биродарлик жараёналари натижасида шаклланган бетакор воқеалик ҳисобланади. Уни асаравайлаш ҳамда авлодларга етказишни ҳар биримизнинг зиммасига турган муҳим вазифалардан бири, деб биламан. Дўстлик боғида қад ростилаган, 22 миллатнинг ўзига хос архитектураси ва миллийлигини акс эттирган, биродарлигимизнинг сўнмас зиёсига уллуғини қўшаётган Миллий маданий марказлар павильони ҳам юксак эътиборнинг ёрқин тасдиғи, десак, муболага эмас. Бу ерда қозоқ, қирғиз, туркман ва

бошқирд ўтовлари, корейс, беларусь, украин, грек, олмон, дунган, поляк, якудий, грузин, арман, татар, крим-татар, уйғур, турк, тожик, хитой, рус ҳамда озарбайжон халқларининг икки қаватдан иборат дўстлик уйлари жойлашган бўлиб, ҳар бири ўша халқнинг миллий аёнана- ларига мос ҳолда безатилган ва кўрган кишининг бахридиллини очди. Мана, бир неча кундири, Дўстлик боғида Наврўз шукуҳи кезиб, қалбларга бирдамлик, янгилашиш ва яхшиликка даъват руҳини жойламоқда. Шундай улуг байрамда Юртбошимизнинг ўзи бу ерга ташир буюриб, биз билан самимий мулоқот қилгани унутилмас ҳодиса бўлди. Президентимиз сўхбат чоғида халқларимиз дўстлигига алоҳида ургу бериб, бу улуг қадриятни асраш йўлидаги ишлар янада жонланишини таъкидлади. Бинобарин, аждоқларимиздан мерос бўлиб келаётган азалий ва умрбоқий ришталар шундай хайри амаллар натижасида янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Гулдана АВЕЗДҮРДИЕВА, Республика туркман маданият маркази раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:



— Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган илчил сиёсий ташаббуслар самараси сифатида ўтган йили Президентимиз томонидан 22 та миллий маданий марказга “Дўстлик” павильони совға қилингани қувонарли воқеа бўлган. Таъкидлаш лозимки, ушбу павильонлар шунчаки иншоот эмас, балки турли миллат вакиллари биллаштириб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамловчи маскан сифатида ҳам аҳамиятга молик. Ҳозир дунё бўйлаб мураккаб вазият ҳукм сураётган бир пайтда жонажон юртимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари оқсоғида ва ҳамжиҳатликда яшаётгани гўзал намунадир, десак, адашмаймиз. Мазкур бирдамлик ҳамда бағрикенглик тамали Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда Юртбошимиз олиб бораётган оқилона


миллий ҳамда ташқи сиёсат самарасидир. Бугун “Дўстлик” павильонлари турли миллат вакиллари янада яқинлаштириб, уларнинг ўзаро мулоқотини кенгайтириштириб, маданий меросни сақлаш ва қадриятларимизни намойён қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Давлат раҳбарининг байрам кунини бу ерга келиши ва биз билан дилдан сўхбатлашгани миллатлараро дўстлик ҳамда тотувлик нечоғли улугланишининг яққол исботидир. Президентимизнинг ташрифи чоғида туркман ўтовига қараб “Ўзи кичкинагина, лекин юраги катта, қалби бор, меҳрга тўла” деган сўзлари ҳали-ҳамон қулоқларим остида жарағлаб турибди. Биз шундай мамлакатда яшаймизки, бу ерда нафақат инсон қадри улугланади, балки турли миллат вакиллари ҳам улуг, урф-одатлари, тарихи ва маданиятига ҳам юксак эҳтиром кўрсатилади. Ушбу эътибор ва яратилган имкониятлар турли миллат вакиллари кувончига кувонч, гурурига гуруру қўшаётгани айна ҳақиқатдир.

Раҳматулла ЖАББОРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Мутолаа

ВАТАН ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

«Ватан» ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журналининг 2026 йилдаги 1-сон чоп этилди



Журнал мазмунан пухта, таҳлилий руҳдаги мақолаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Унда жамланган материаллар ўқувчини кўнча ва шонли тарихимиз ҳақиқатлари, миллий гуруру ҳамда ўзликни англаш, фидойилик, матонат ва жасорат каби юксак фазилатлар моҳияти билан юзлаштирилади. Айни пайтда журнал саҳифаларга ўқувчини стереотип фикр қоллиларидан чиқиб, бугунги кун воқеалигини чуқур таҳлил этишга, замон билан ҳамнафас яшашига ундайди.

Журнал муқовасидан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сиймоси ўрин олгани нашр руҳиятига хос рамзий маъно бағишлайди. Илк саҳифада давлатимиз раҳбарининг ҳозирги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизнинг сафарбар этилиши ҳақидаги даъваткор сўзлари берилган. Жаҳонда геосийсий вазият ўта кескин тус олаётган таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлишига жавоб сифатида айтилган мазкур сўзлар моҳиятан журналининг бугун мазмун-мундарижасида қизил ип бўлиб ўтади.

Тошкент вилояти ҳокими, сенатор Зойир Мирзаевнинг “Тошкент вилояти: ободлик ва таракқиёт локацияси” сарлавҳали мақолада Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг асл мазмун-моҳияти ҳамда самаралари ҳақида ушбу ҳудуд мисолида сўз юрилади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ашуралли Жўраевнинг “Абдулла Орипов ватанномуси” оқсоғида улуг шоирнинг ватанпарварлик руҳида ёзилган бетимсиз асарлари ҳақида қисқа қилинади.

Жадидчилик ҳаракати намоёнандаси Исмоил Гаспиралининг “Таржимон” газетасининг 1908 йил, 5 ва 6-сонларида олинб, таъйёрланган “Жон ёки тил масаласи” сарлавҳали мақо-

ласида она тилининг ҳар бир миллат умрбоқийлигини, таракқиётини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида мушоҳада юрилади. Журналда “Секуляризмни қандай тушунамиз ёхуд секуляризмнинг тарихи, замонавий шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизнинг сафарбар этилиши ҳақидаги даъваткор сўзлари берилган. Жаҳонда геосийсий вазият ўта кескин тус олаётган таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлишига жавоб сифатида айтилган мазкур сўзлар моҳиятан журналининг бугун мазмун-мундарижасида қизил ип бўлиб ўтади.

Тошкент вилояти ҳокими, сенатор Зойир Мирзаевнинг “Тошкент вилояти: ободлик ва таракқиёт локацияси” сарлавҳали мақолада Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг асл мазмун-моҳияти ҳамда самаралари ҳақида ушбу ҳудуд мисолида сўз юрилади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ашуралли Жўраевнинг “Абдулла Орипов ватанномуси” оқсоғида улуг шоирнинг ватанпарварлик руҳида ёзилган бетимсиз асарлари ҳақида қисқа қилинади.

Жадидчилик ҳаракати намоёнандаси Исмоил Гаспиралининг “Таржимон” газетасининг 1908 йил, 5 ва 6-сонларида олинб, таъйёрланган “Жон ёки тил масаласи” сарлавҳали мақо-

ласида она тилининг ҳар бир миллат умрбоқийлигини, таракқиётини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида мушоҳада юрилади. Журналда “Секуляризмни қандай тушунамиз ёхуд секуляризмнинг тарихи, замонавий шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизнинг сафарбар этилиши ҳақидаги даъваткор сўзлари берилган. Жаҳонда геосийсий вазият ўта кескин тус олаётган таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлишига жавоб сифатида айтилган мазкур сўзлар моҳиятан журналининг бугун мазмун-мундарижасида қизил ип бўлиб ўтади.

ИККИ ЙИРИК БЕЛЛАШУВГА РАСМАН СТАРТ БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳридаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” ҳамда “Президент Олимпиадаси” спорт мусобақаларининг 2026 йилги мавсумига тантанали равишда старт берилди.



Спорт

Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Миллий паралимпия кўмитаси мутасаддилари, шунингдек, спорт федерациялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, спортчилар қатнашган ушбу тадбирда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу мусобақалар мамлакатимиз бўйлаб иқтидорли спортчиларни аниқлаб, уларни саралаб рағбатлантириб боришда муҳим ўрин тутаятгани қайд этилди. Эътиборлиси, мазкур лойиҳанин қамрови йил сайин кенгайиб, унинг нуфузи янада ортиб бораётди. Жумладан, ўтган йилда “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақалари 15 — 17 ёш тоифасидаги спортчилар ўртасида 10 та спорт тури бўйича ташкил этилган бўлса, жорий йилда мусобақалар доираси янада кенгайтирилди. Эндиликда 13-14 ёшли спортчилар (бадий гимнастика йўналишида 11-12 ёшлилар) 21 та олимпия спорт тури бўйича беллашувларда қатнашади. Мусобақалар уч босқич-

ли тизим асосида, яъни “Туман ва шаҳар ҳокими олимпиадаси”, “Ҳоким олимпиадаси” ҳамда “Президент олимпиадаси” шаклида ўтказилиши белгиланди. Жорий йилги мавсумнинг яна бир ўзига хос жиҳати, дастурга қатор янги спорт турлари киритилди. Хусусан, волейбол, гандбол, бадминтон, қиличбозлик, теннис, соҳил волейболи, сузшиб, велоспорт (шоссе), чим устида хоккей ва велотек каби йўналишлар мусобақалар таркибидан жой олди. Бу ёшлар ўртасида спорт турларини оммалаштириш, соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда иқтидорли ёшларни кашф этишда кўл келади. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Жиззах вилоятларида ҳам спорт мусобақаларининг 2026 йилги мавсуми бошланди. Мазкур йирик спорт лойиҳаси мамлакатимизда ёшлар спортини янги босқичга олиб чиқиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва уларни халқаро майдонларда муносиб иштирок этишга тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. «Халқ сўзи».

ОРЗУЛАРНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИДАМИЗ

Янги Ўзбекистонда ёш авлод камолотига устувор аҳамият берилмоқда. Бу сўзда эмас, амалда бажарилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга мавжуд муаммоларини ечишга алоҳида аҳамият қаратилаётган. Шу жиҳатдан, маҳалланинг ёшлар етакчиси бўлиб фаолият юритиш ниҳоятда масъулиятли, бу лавозим эгаси бажариши лозим бўлган ишлар эса кенг қўллами. Хусусан, уюлмаган ёшларни бирлаштириб, уларнинг ягона мақсад сари интилиши, маънан етуқ ва баркамол авлод бўлиб шаклланиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллашга оид ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш ҳам ёшлар етакчиси зиммасидаги муҳим вазифалар сирасига қиради.



Фахр

Албатта, навқирон авлод вакиллари бундан бундан мазмунли ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада спортнинг ўрни катта. Шу босис маҳалласида “Ибратли футбол” лигасини ташкил қилиб, унга юзлаб ёшлар жалб этилди. Китеб мутолаасига қизиқишини ошириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида мактаб ўқувчилари ва уюлмаган ёшлар ўртасида

“Заковат” интеллектуал ўйини ўтказиб келинмоқда. “Ёшлар дафтери”га киритилган, тадбиркорликни бошлашда моддий кўмакка эҳтиёжманд йигит-қизларга субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Деҳқончилик билан шуғулланишни истеган 25 нафар ёшга 12 гектар ер ажратилиб, улар иш билан таъминланди. Моддий ва бошқа жиҳатдан рағбат олган ёшлар жамиятда ўз ўрнини топиб бормоқда.

Атиги 2-3 йил олдин доимий иш ўрнига эга бўлмаган йигит-қизлар эндиликда ўнлаб тендошларининг бандлигини таъминлаган. Уларнинг иши юришида, озми-кўпми, ҳиссам борлигидан хурсанд бўлмаган. Зеро, ёшлар етакчилари учун қайси йигит-қизнинг муаммосига ечим топилиши ва орзу-мақсадига етиши катта ютуқ ҳисобланади. 2022 — 2025 йиллар давомида маҳалламиз ёшлари ўртасида жиончилик кузатилмагани ҳам муҳим натижадир.

Юртимизда ёшларга қаратилган эътиборнинг қўлами улкан ва бу бизни ҳам доимо руҳлантириб келади. Саёй-ҳаракатларимиз эътироф этилиб, камтарона меҳнатим юксак давлат мукофоти — “Келажак бунёдкори” медалига муносиб қўрилганидан хурсандман. Бу мени янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

Сирожиддин АХМАДОВ, Гулистон шаҳридаги «Ибратли» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, «Келажак бунёдкори» медали соҳиби.

«Arashan Resort»: САЙЁҲЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Поп тумани ҳудудининг юқори қисмида ястаниб ётган Чотқол тоғ тизмалари ўзининг гўзал табиати билан кишини мафтун этади. Айниқса, денгиз сатҳидан уч минг метрдан зиёд баландликда жойлашган Арашан кўллари чиройи ўзгача. Бу ерда туризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари ҳисобга олинб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш чоралари қўрилмоқда.



Бунёдкорлик

Ҳудуддаги кўллар тизими атрофида бунёд этилаётган “Arashan Resor” мажмуаси айни йўналишдаги истиқболли лойиҳалардан биридир. Унга кўра, умумий қиймати 150 млн. АҚШ доллари ҳажмида бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, 600 гектар майдонда замонавий туризм инфратузилмасига эга йирик дам олиш ва саёхат маркази барпо қилинади.

Яқинда мажмуа қурилишига тамал тоши қўйилди. “Arashan Resor” тўлиқ ишга туширилгандан сўнг кунлик 2,5 минг нафар сайёҳни қабул қилиш, йилга 912 минг нафар туристга хизмат кўрсатиш, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши имконияти пайдо бўлади. Айни жараёнда барпо этиладиган экологик туризм зоналари, экстремал ва тоғ туризми инфратузилмалари, гастронимик туризм марказлари, саёхат ва маданий дам олиш масканлари, рекреацион ва соғломлаштириш ҳудудлари унинг бекиёс имкониятларидан далоят беради. — Мажмуада тематик парклар, тоғ чанғиси комплекслари, зиплайн, ресторан ва қаҳвахоналар, очик осмон остидаги кинотеатр, экокөзөр, болалар майдончалари, спорт майдонлари ҳамда термал сув басейнлари барпо этилиши режалаштирилган, — дейди Наманган вилояти инвестициялар ва савдо

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИ ҲОСИЛ БОЗОРГА ЧИКДИ

Юртимизда томорқачилик, мева-сабзавот етиштириш кун сайин ривожланиб бормоқда. Ҳаракат қилган, меҳнатдан қочмаган киши борки, бир парча ердан ҳам яхшигина даромад топапти, янада кўпроғига интиломоқда.

Омилкорлик

Чироқчи туманининг Соҳил маҳалласида яшовчи тажрибали деҳқон Қўчқор Мирзаев иссиқхонада картошка етиштириб,

ушбу маҳсулотни Қашқадарё вилоятида биринчилардан бўлиб бозорга чиқарди. — 8 сотихли иссиқхонада деҳқончилик қиламиз, — дейди Қ. Мирзаев. — Бу ерда бир вақтнинг ўзида помидор, бўлғор қалташ-пири ҳамда картошка етиштирилади. Қарошкани бир ҳафта аввал бозорга чиқаришни

бошлаганмиз. Ҳосилни тугатиб, ўрнига бошқа маҳсулот экамиз. Помидор ҳам тез орада пишиб етилади. Хуллас, меҳнатимиз ортидан йил бўйи даромад келиб туради. Китеб туманининг Қораболоқ маҳалласида яшовчи Насриддин Ҳакимов ҳам ёпиқ шароитда картошка етиштираётган деҳқонлардан ҳисобланади. Унинг айтишича, бу усул очик далага қараганда анча кўп ҳосил олиш ҳамда яхши даромад қилиш имконини беради.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг Бухоро филиалида математика, информатика, қозоқ тили ҳамда қорақалпоқ тили фанлари бўйича Асосий олимпиаданинг республика босқичига старт берилди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузурлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоҳхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятта келган кўлемлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг мазлиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов. Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6